Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 109 (8849). ● 31 май, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ПАХТАЧИЛИК ВА МЕХАНИЗАЦИЯ

БЕПОЁН, ниҳоллар барқ уриб ўсаётган пахтазорлар киши ҳавасини уйғотади. Ҳар бир кўчат деҳқон эътиборида. Майдонларда «пўлат от»ларини елдираётган механизаторлар, пайкалларда тер тўкаётган миришкорлар, кечаси-ю-кундузи оби-ҳаёт етаклаётган сувчилар, улкан хирмон тақдирини ўйлаётган агросаноат комплекси ходимлари, жонбозлик кўрсатаётган раҳбар ва мутахассислар — ҳамма-ҳамманинг нигоҳи бугун далада. Улар тиним билмайдилар. Сон-саноқсиз юмушларнинг кети кўринмайди.

Айни кунлардаги долзарб масала — бу ғўза парвариши. «Ғўзанг бўлиқ бўлса, хирмонинг тўлиқ бўлади» — деган нақл бор. Ҳар бир пахтакор, ҳар бир механизатор ҳозир ниҳоллар парваришини кўнгилдагидек ўтказиши, ҳар бир ишловнинг сифатли бўлишига эришиши керак. Кўчатлар ривожланишда орқада қолмаслиги лозим. Карталарни бегона ўтлар босишига йўл қўйиш мумкин эмас. Зараркунандалар ғафлатда қолдирмасин. Сувни тежаб-тергаб ишлатиш катта аҳамият касб этмоқда. Унинг ҳар томчиси ҳисобда бўлмоғи шарт.

Бу йилги шароитда пахтачиликда машина-механизмлардан оқилона фойдаланиш, айниқса, муҳимдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида 1986 йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлар ҳақида»ги қарорида бу масалага жуда катта эътибор берилди. Зотан, ўн иккинчи беш йилликда пахтачиликни фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш асосида янада ривожлантириш бош вазифа қилиб қўйилди.

Колхоз ва совхозларимизда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш ва пахтани агрегатлар ёрдамида териб олиш борасида анчагина дуруст тажрибалар тўпланган. Ўтган йили областимиз пахтазорларида 2897 та «зангори кема», 607 та кўрак терадиган машина, қанчадан-қанча кўсак чувиш машиналари ва подборщиклар ишлади. «Оқ олтин»нинг анчагина қисми «пўлат этак»лардан тўкилди. Ғалаба, Оққўрғон, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ сингари районлар олтинпазлари бу соҳада бир мунча дуруст натижаларга эришдилар. Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан Қ. Илашев, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоздан С. Нозимов, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздан А. Асроров, Ғалаба районидаги Киров номли колхоздан М. Исабеков каби илғор механизаторлар агрегатлар унумдорлигини 170—220 тоннага етказдилар.

Съездлар йилида пахта бўйича йиллик планларимизни ва социалистик мажбуриятларимизни шараф билан адо этиш учун машиналарга янада кенг йўл очиб беришимиз, бу соҳада эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлашимиз керак. Республика партия ва ҳукуматининг юқоридаги қарорида қайд этилганидек, бир ой мобайнида барча хўжаликлардаги жами пахта териш машиналарини инвентаризациядан ўтказиш, пахтазорларнинг қатор оралари мавжуд пахта териш машиналарига қанчалик мувофиқлигини ҳар бир хўжалик бўйича таҳлил қилиб чиқиш, заруратга қараб уларни район агросаноат бирлашмасида ва область агросаноат комитетида хўжаликлар ўртасида қайта тақсимлаш, бу ишларни 10 июнгача туғаллаш лозим.

Бу йил хўжаликларимиз пахтазорларида 2794 тадан зиёд пахта териш машиналари, кўрак терадиган 630 тадан кўпроқ агрегат, 1100 тага яқин кўрак чувийдиган механизмларнинг ишлаши кўзда тутилмоқда. Эндиликда пахта териш машиналари, техникавий хизмат кўрсатиш воситалари, трактор прицеплари, пахта ортиш механизмлари, кўрак узиш ва чувиш агрегатлари ремонтини 1,5—2 ой ичида туғаллашимиз ва уларни «оқ олтин» мавсумига шай қилиб қўйишимиз талаб этилади. Бу ишларда ремонт сифатига, механик-ҳайдовчилар тайёрлашга, уларнинг билимини қайта-қайта текшириб кўришга, экипажлар составини бутлашга, эҳтиёт қисмлар запасини ҳозирлаб қўйишга алоҳида эътибор бермоқ керак бўлади.

Редакцияга келаётган маълумотларга қараганда ҳозирча жойларда терим техникасини мавсумга тайёрлашга ҳозирлик кўриш ишлари қониқарли олиб борилмаётир. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳали вақт эрта, бемалол улгурамиз, деган кайфиятда юрибдилар. Деярли барча хўжаликларда ҳали терим техникасини комплекс ремонт қилиш ишига тўлиқ киришилгани йўқ. Хўжаликларнинг устахоналари эълон қилинган графиклар асосида ишламаётир. Натижада ишлар кечикмоқда, пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлаш топшириқлари бажарилмаётир.

Йўл қўйилаётган камчиликларни ва барча ишлар кўламини конкрет белгилаб олиш учун область агросаноат комитети ва район агросаноат бирлашмалари шу кунларда бутун ишни ўз қўлларига олишлари керак. Мазкур ташкилотларнинг ишлаб чиқариш кенгашларида вазифалар мунтазам равишда муҳокама қилиб борилиши лозим. Шунингдек, бу кенгашларда чеканка қиладиган машиналарни кўпроқ ишлатиш ва улар унумдорлигини ошириш, дефолиация жараёнларида фойдаланиладиган ОВХ-14, ОВХ-28 агрегатларининг созлиги ҳам диққат марказидан четда қолмаслиги даркор.

Машина теримига пухта тайёргарлик кўришда барча бўғинлардаги мутахассислар, айниқса, катта роль ўйнайди. Улар бу ишда ўзибўларчиликка, беғамликка, сансалорликка сира ҳам йўл қўймасликлари керак. Тартиб-интизом, топшириқларнинг муддатида бажарилиши ҳамиша назоратда бўлмоғи лозим. Самарали меҳнат, ташаббус ва тажрибаларнинг кенг ёйилиши уларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Юксак тушунча, масъулият, тадбиркорлик, маҳорат, ишга виждонан муносабат бор ерда, албатта, муваффақиятга эришиш мумкин эканлигини унутмайлик.

Ҳар қандай ишнинг пировард натижаси одамларга боғлиқдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу йил областимиз бўйича пахтазорларда 5800 га яқин механизатор меҳнат қилади. Жойлардаги партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тадбирларининг тўғри ва ўз вақтида ўтказилиши, уларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берилиши устидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Ана шундагина инсон омили имкониятлари ва резервлари ўзини тўлалигича намоён қилади.

Пахта — миллий ғууримиз, энг қимматбаҳо бойлигимиз, шон-шуҳратимиздир. Пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш пахтакорларимизнинг партия, Ватан, халқ олдидаги интернационал бурчидир. Шунинг учун ҳам бутун сиёсий, тарбиявий, ташкилий ишларимизни пахтачиликни интенсивлаштиришга, уни бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратмоғимиз лозим. Дала меҳнаткашларининг бутун куч-ғайратини социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини тўла-тўкис амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун курашга сафарбар этайлик.

1986 йилги «оқ олтин» мавсумимиз мўл ва баракали бўлсин! Ҳар бир пахтакорнинг, ҳар бир механизаторнинг, ҳар бир дала меҳнаткашининг эзгу нияти ва мақсади ана шундай.

• ПИЛЛА — ДАВЛАТГА •

## ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

● ЗАФАР. Бекобод райони пиллакорлари областда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш планини бажардилар.

Район пилла қуритиш бош идорасининг қабул пунктларига 198,6 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Навоий номли, «Победа», Дзержинский номли колхозлар, Ойбек, «Октябрь 46 йиллиги», Калпакова номли совхозларнинг пиллакорлари айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Планни муддатидан илгари адо этдилар.

Дзержинский номли колхоздан Нарзи Акромова, «Победа» колхозидан Зевгул Матмусаева ва Норинниса Холматова сингари ўртоқлар мусобақада пешқадамлик қилдилар.

● ЧИНОЗ. Район пиллакорлари социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топширишни бошлаб юбордилар. Ҳозиргача давлатга пландаги 130 тонна ўрнига 134 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Қизил Октябрь», Навоий номли, Энгельс номли колхозлар, «Партия XXIV съезди» совхози «кумуш тола» усталари қурт боқишни уюшқоқлик билан ташкил этдилар, мўл ҳосил етиштирдилар.

Илғор пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 75-100 килограммга етказиб хомашё топширдилар. «Партия XXIV съезди» совхозидан Санобар Алиева, Охунбобоев номли колхоздан Раҳима Ашурова, Энгельс номли колхоздан Бердибой Аитхўжаев сингари ўртоқлар юқори кўрсаткичларга эришдилар.

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга топшириш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

### БЕКОБОД РАЙОНИ

**Дзержинский номли колхоз** (раиси З. Хўжабеков, партия ташкилотининг секретари К. Шербоев, касаба союз ташкилотининг раиси Б. Жўраев, комсомол ташкилотининг секретари С. Деҳқонов, пиллачилик бўйича агротехник А. Тўрақулов ўртоқлар).

**«Октябрь 46 йиллиги» совхози** (директори А. Умиров, партия ташкилотининг секретари Б. Каримов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Пак, комсомол ташкилотининг секретари З. Ҳамробоев, пиллачилик бўйича агротехник — бригадир Р. Ўлмасов ўртоқлар).

### ЧИНОЗ РАЙОНИ

**«Октябрь 40 йиллиги» колхози** (раиси П. Саулькин, партия ташкилотининг секретари К. Каранчалов, касаба союз ташкилотининг раиси Э. Тиловов, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Мамедов, пиллачилик бўйича агротехник Н. Шерматов ўртоқлар).

**«Қизил Октябрь» колхози** (раиси Б. Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари А. Абдуманнопов, касаба союз ташкилотининг раиси Д. Мўминов, комсомол ташкилотининг секретари А. Мустафоқулов, пиллачилик бўйича агротехник Х. Расулова ўртоқлар).

**Охунбобоев номли колхоз** (раиси У. Умаров, партия ташкилотининг секретари И. Файзуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси Э. Саидов, комсомол ташкилотининг секретари Э. Ўсаров, пиллачилик бўйича агротехник И. Назаров ўртоқлар).

### ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

**«Коммунизм» колхози** (раиси М. Исматов, партия ташкилотининг секретари А. Азаматов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Асомов, комсомол ташкилотининг секретари Э. Обидов, пиллачилик бўйича агротехник Р. Мансуров ўртоқлар).

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитетининг 29 майда бўлиб ўтган бюро мажлисида область партия комитети бюро аъзоси, область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаковнинг 1986 йилда чорвачиликни ривожлантириш планларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан агросаноат иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Областда 1985 йилга нисбатан моллар ва паррандалар сони кўпайганлиги, маҳсулдорлик ошганлиги, чорвачилик маҳсулотлари айрим турларини етиштиришда ва харид қилишда олға силжиш сезилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга чорвачиликдаги аҳвол тиғизлигича қоляпти, молларни боқиш ва сақлаш технологиясида, фермаларга зооветеринария хизмати кўрсатишда, подадаги моллар сонини кўпайтиришда ҳамон камчиликларга йўл қўйиляпти. Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Пискент, Янгийўл районларида ҳар бир сигирдан кунига 5,4—6,8 килограммдан сут соғиб олинаяпти, холос. Бир қатор районлар сут, гўшт ва тухум етиштириш планларини бажара олмаяпти.

Область хўжаликларида озуқа тайёрлаш ишлари ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. 1986—1987 йиллар чорва қишлови даври учун етарли миқдорда озуқа жамғариш юзасидан чорвадорларга ёрдам берувчи бригадалар тузилмаган. Айниқса, Коммунистик, Бўстонлиқ, Бўка, Оққўрғон, Орджоникидзе районларида озуқа тайёрлаш ишлари суст олиб борилмоқда.

Область партия комитети бюроси Н. И. Гусаковга, агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ф. А. Аппазовга область агросаноати ишидаги жиддий камчиликларни кўрсатди. Кадрларга нисбатан талабчанлик ва ижро интизомининг бўшлиги уқтирилди. Уларга 1986 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чора ва тадбирлар ҳақида область партия комитети бюросига ҳисоб бериш топширилди.

Область партия комитети бюроси саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг 1986—1990 йилларда область колхоз ва совхозларига оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан ишлаб чиққан комплекс тадбирлар планини ҳам кўриб чиқди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида давлатга пилла топшириш планларини муддатидан олдин адо этган область колхоз ва совхозлари номи ёзиладиган «Ҳурмат тахтаси» таъсис этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Район партия комитетларига илғор бригада ва звенолар номини ёзиш учун район газеталари саҳифаларида ҳам шундай Ҳурмат тахталари таъсис этиш топширилди.

Область газеталари, радио ва телевидение редакцияларига матбуотда, радио эшиттиришлари ва телекўрсатувларда пилла топшириш юзасидан белгиланган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиб бориш топширилди.

Бюро КПСС XXVII съезди қарорларини ўрганиш, пропаганда қилиш ва амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Олмалиқ шаҳар партия комитетининг ҳисоботини тинглади. Съезд қарорларини амалга ошириш шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари диққат марказида турганлиги таъкидланди. Съезд ҳужжатлари марксча-ленинча таълим системасининг ҳамма бўғинларида ўрганилаяпти, лекция пропагандаси воситалари орқали омма ўртасида кенг тушунтирилаяпти. Меҳнат коллективларида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, социал-маиший масалаларни ҳал этиш, инсон омилини активлаштириш юзасидан съезд белгилаган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланганидек, айни пайтда шаҳар партия комитети КПСС XXVII съезди материалларини ўрганиш, пропаганда қилишда, коммунистлар, меҳнаткашлар кенг оммасини съезд белгилаган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўймоқда. Область партия комитети бюроси шаҳар партия комитетига бир қолипдаги эскича иш услуби ва методларидан тезроқ халос бўлишни, КПСС XXVII съезди талаблари асосида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, сўз ва иш бирлигини таъминлашдек муҳим ленинча иш услубини қатъий қарор топтириш вазифасини топширди. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотларига кишиларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларда камчиликларга муросасизлик туйғусини шакллантириш, идеология ишларини социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш соҳасидаги вазифалар билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадида ғоявий-тарбиявий ишларни тезкорлик билан қайта қуриш зарурлиги уқтирилди.

Партия ташкилотларига хўжалик органлари иш услуби ва методига партиявий-сиёсий таъсир ўтказиш, КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, 1986 йил ва умуман беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш юзасидан зарур чоралар кўриш таклиф этилди.

Область партия комитети бюро мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ВИЗИТ ТУГАДИ

Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, Сурия Араб Республикасининг вице-президенти Абдил Халим Ҳаддам 29 май куни Совет Иттифоқидан жўнаб кетди. У совет раҳбарларининг таклифига биноан амалий визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ҳукумат комиссиясининг Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш, станциянинг ўзидаги ва унинг теварак-атрофидаги вазиятнинг аста-секин нормаллашаётганлиги, авария зонасидан вақтинча кўчирилган аҳолининг турмуши, овқатланиши, унга медицина, савдо ва маданий хизмат кўрсатиш ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ахборотини тинглади. Шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

Кўпгина совет кишилари Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан давлат қабул қилган тадбирларни маъқуллаб, авария оқибатларини тугатишга ўзларининг шахсий ҳиссаларини қўшиш истагини билдирмоқдалар. Марказий ва маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларига, оммавий ахборот воситаларининг редакцияларига меҳнаткашлардан авария районида ўтказилаётган ишларда қатнашиш учун жўнатишни сўраб кўпдан-кўп илтимослар тушмоқда. Барча иттифоқдош республикалардан, ўлкалар ва областлардан минглаб совет гражданлари авария сабабли зарар кўрган аҳолига ёрдам фондига ўзларининг пул маблағларидан юбормоқдалар. Меҳнат коллективлари, ишчилар, колхозчилар, хизматчилар шу мақсадда бир кун ҳақ олмай ишлаб беришни таклиф қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш учун оғир курашда қатнашаётган, бу ишда ўзининг шахсий ҳиссасини қўшаётган барча кишиларга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, меҳнат коллективларининг, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ҳақ олмай ихтиёрий равишда бир кун ишлаб бериш муддаосини, атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш учун ёрдам фондига ихтиёрий пул топшириш ниятини юксак баҳолайдилар.

Сиёсий бюро халқ хўжалигини келгуси куз-қиш фаслида ишлашга тайёрлаш соҳасида министрлик ва идораларнинг, маҳаллий партия ва совет органларининг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Кейинги вақтларда саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, транспортда ва коммунал хўжаликда бу соҳада анчагина иш қилинганлиги қайд этилди. Бироқ, корхоналарни, уй-жой фондини, коммунал ташкилотларни ёқилғи ва энергия билан таъминлашда бир қанча жойларда узилишларга йўл қўйилганини, бу эса ишлаб чиқариш маромини издан чиқарганини, меҳнаткашларнинг ҳақли таъналарига сабаб бўлганини ўтган қиш тажрибаси кўрсатди.

Мана шуларни эътиборга олиб, ёқилғи ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан белгиланган план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга, меҳнат коллективларида кўмир, нефть, газ, электр ва бошқа ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш йўлидаги актив курашни авж олдиришга, энергетика объектларини қуриш, реконструкция ва ремонт қилиш суръатларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Уй-жойларни ва жамоат биноларини иссиқлик билан узлуксиз таъминлашга, уларнинг техникавий ҳолатини яхшилашга, аҳолининг коммунал-маиший хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга алоҳида эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу беш йилликда темирйўл транспортининг ишини янада яхшилаш ва унинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалга ошириши белгиланаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул этилди. Бу қарорда партия XXVII съезди қарорлари асосида темирйўл транспортининг иш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, пассажир ташишнинг ташкил этилишини тубдан яхшилаш, бошқарувни такомиллаштириш ва хўжалик юритишнинг янги системаларини жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар комплекси кўзда тутилган.

Кузнецк, Канск-Ачинск, Экибастуз ва Қарағанда ҳавзаларидан кўмир ташиб олишни таъминлаш, Байкал-Амур магистралини бошдан оёқ доимий ишга тушириш, Ғарбий Сибирь нефть-газ ва Жанубий Якутия территориал комплексларини ўзлаштириш учун зарур бўлган юкларнинг ҳажми ошиб бораётганлиги билан боғлиқ ишларнинг асосий йўналишлари белгиланди. Темир йўлларнинг узлуксиз ишлаши учун зарур локомотив ва вагонлар, рельс ва шпаллар, запас қисмлар ишлаб чиқариш соҳасида оширилган топшириқлар белгиланди.

Темирйўл транспорти ходимлари учун социал соҳани ва уй-жой-маиший қурилишни жадал ривожлантириш шу вазифаларни бажариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Сиёсий бюро КПСС XXVII съездининг топшириғига биноан республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари тўғрисида тайёрланган низомни тасдиқлади. Бу ҳужжат ревизия комиссияларининг КПСС Уставига мувофиқ ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти савиясини кўтаришга ва партиянинг сайлаб қўйиладиган мана шу муҳим органлари ишининг ташкил этилишини такомиллаштиришга қаратилган.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг Ливия Араб Социалистик Халқ Жамахирияси революцион раҳбарлигининг аъзоси А. С. Желлуд билан ўтказган музокаралари ва суҳбатлари якунларини маъқуллаб, АҚШнинг Ливияга қарши агрессиясидан тинчликсевар, миллий-озодлик кучлари учун, айниқса барча араб давлатлари учун келиб чиқадиган тўғри хулосаларнинг аҳамиятини таъкидлади. Совет Иттифоқининг Ливия мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги принципиал позицияси, СССРнинг Ливия билан узоқ муддатли сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашишга тайёрлиги тасдиқланди.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Сурия Араб республикаси вице-президенти А. Ҳ. Ҳаддам билан музокаралари натижалари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Дўстона Совет — Сурия ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳар иккала томоннинг интилаётганлиги қайд этилди, Сурияга қарши империалистик дўқ-пўписалар ва тазйиқ кампанияси кескин қораланди. Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги аҳволни шу райондаги барча халқлар ва давлатларнинг манфаатларига ҳамда хавфсизлигига мос бўлиб тушадиган тарзда одилона бартараф этишни назарда тутадиган позицияси тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётининг ҳамда халқаро майдонда унинг тинчликсеварлик йўлини ўтказишнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## КИНО САНЪАТИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

*Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиши*

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалининг экрани инсоннинг маънавий дунёсини ҳамда бутун инсониятнинг муаммоларини ёрқин кўрсатди. Уч қитъа илғор кинематографиячилари одамларнинг тақдирлари тўғрисида, халқларнинг ташвиш ва орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилиб, ўз санъати билан инсонпарварлик, эзгулик ва социал адолат идеалларини қарор топтириш муддаосини намойиш этдилар. Тошкентда юздан ортиқ мамлакат, халқаро ва миллий ташкилотларнинг вакилларини тўплаган мўътабар анжуман миллионларнинг хоҳиш-иродасини айниқса, зўр куч билан изҳор этди: одамларга ишончли тинчлик керак, бунинг учун эса қатъият ва собитқадамлик билан курашиш лозим.

Ўн кун мобайнида фестиваль экранидан антиимпериалистик бирдамлик, миллий озодлик, эркинлик ва социал тараққиёт учун деган даъват баралла янграб турди. Икки юздан кўпроқ фильм дунёни революцион янгилаш тўғрисидаги, ақл-идрок ва эзгулик кучларининг телбалик ва зўравонлик кучларига қарши кураши ҳақидаги тўлқинлантирувчи қиссага айланиб кетди.

Фестиваль қатнашчилари билан меҳмонлари бажарилган ишга, «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остидаги биргаликда ўтказилган ижодий изланишга якун ясаш учун 30 май куни Тошкентдаги Санъат саройига йиғилдилар. Бу ерда кино анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

— Уч қитъа кинематографиячилари ютуқларининг бу галги кўриги прогрессив кино даврнинг илғор ғояларини қарор топтириш учун, мамлакатлар билан халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг тантанаси учун кўп иш қилиши мумкин деган гапнинг ҳаққонийлигини жуда яққол тасдиқлади, — деди йиғилганларга мурожаат этиб, кинофестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова.

(Давоми 2-бетда).





□ ҲОСИЛНИНГ мўл, сифатли бўлиши айни кунларда сувчининг ишни қандай ташкил қилишига, маҳоратига ҳам боғлиқдир. Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг Марҳабой Жақаев бошлиқ бригадаси сувчиси Рисбой Исақулов бу масъулиятни дилдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқда. У эгатларда сувнинг бир меъёрда оқишини таъминлаб, ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишига алоҳида эътибор бераётир. Суратларда: (чапда) сувчи Р. Исақулов. Ғўзани суғориш пайти.

А. Зуфаров фотолари.

